ЎҚУВ ФАНЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИНГ УМУМЛАШГАН БИЛИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Иногамова Дилфуза Рахматуллаевна - Ph.D.
Тошкент давлат педагогика университети (Тошкент. Узбекистон)
Салимова Малика Рашидбековна – катта ўқитувчи
Тошкент тиббиёт академияси (Тошкент. Узбекистон)

Аннотация: *Мақолада тиббиёт олий ўқув юртларида ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидан бири бўлган, юқори малакали, рақобатбардош, ижодий ечимларни топа оладиган мутахассисларни тайёрлашда "Биоэтика фани"нинг аҳамияти ҳамда бўлажак шифокорларни тайёрлашда асосий фанлар билан биргаликда биоэтикага ўхшаш умумкасбий фанларни интеграциялаштириб ўқитиш зарурлиги ҳақида сўз юритилади.*

Калит сўзлар: *педагогик жараён, таълим мазмуни, микроолам, интеграция, макроолам, методик адабиётлар, "Биоэтика", этика, деонтология, касбий фанлар, умумкасбий фанлар, фанлараро интеграция.*

РОЛЬ ИНТЕГРАЦИИ ИЗУЧАЕМЫХ ПРЕДМЕТОВ В ФОРМИРОВАНИИ ОБОБЩЕНИЯ ЗНАНИЙ

Иногамова Дилфуза Рахматуллаевна - к.м.н.
Ташкентский государственный педагогический университет (Ташкент. Узбекистан)
Салимова Малика Рашидбековна - старший преподаватель
Ташкентская медицинская академия (Ташкент. Узбекистан)

Аннотация: *В статье говорится о значении предмета «Биоэтики» в подготовке высококвалифицированных, конкурентоспособных, креативных специалистов, что является одной из важных задач современных медицинских учреждений, а также о необходимости интеграции предметов и преподавания общепрофессиональных наук, сходных с биоэтикой, вместе с фундаментальными науками в подготовке будущих врачей.*

Ключевые слова: *педагогический процесс, содержание образования, микромир, интеграция, макромир, методическая литература, «Биоэтика», этика, деонтология, профессиональные науки, общепрофессиональные науки, междисциплинарная интеграция.*

THE ROLE OF INTEGRATION OF SUBJECTS STUDYED IN THE FORMATION OF GENERALIZATION OF KNOWLEDGE

Inogamova Dilfuza Rahmatullaevna - Ph.D.
Tashkent State Pedagogical University (Tashkent, Uzbekistan)
Salimova Malika.Rashidbekovna - senior lecturer
Tashkent Medical Academy (Tashkent, Uzbekistan)

Abstract: *The article discusses the importance of the subject "Bioethics" in the training of highly qualified, competitive, creative specialists, which is one of the important tasks of modern medical institutions, as well as the need to integrate subjects and teach general professional sciences similar to bioethics, together with fundamental sciences in the training of future doctors.*

Keywords: *pedagogical process, educational content, microworld, integration, macroworld, methodological literature, "Bioethics", ethics, deontology, professional sciences, general professional sciences, interdisciplinary integration.*

Сўнгги йилларда инсоннинг жамиятдаги мавқеи билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Жамият тараққиётидаги янги парадигма сифатида инсон, унинг маданияти ва таълим даражаси асосий ўринни эгаллаши олдинги ўринга чиқа бошлади. XXI - аср шахси учун, таълим биринчи навбатда педагогик жараёнда талабани номаълум ва ностандарт вазифаларни мустақил ижодий ечимларини топишга тайёрлаш ҳамда уларни ҳал қилишга ўргатишдан иборатдир. Шу муносабат билан ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоси, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, талабаларни интеллектуал ривожлантириш йўлларини излашдан иборат.

Мазкур мақсадга эришиш учун олий таълим муассасалари юқори малакали, фаол ва профессионал мутахассисларни етиштириш билан бир қаторда рақобатбардош, олган касбий билимлар ҳажми бўйича кўникмалар билан бирга шахсий хусусиятлари, масалан, ижодкорлик, қарор қабул қилишда ҳаракатчанлик, ўз

тақдирини ўзи белгилашга қодир, қабул қилган қарорини асослашга ва баҳолаш қобилиятига эга — ўз фаолиятини мантиқий лойиҳалаш қобилиятига эга, ўз-ўзини тарбиялаш ва такомиллаштириш истаги бўлган ёшларни етиштиришга харакат қилади.

Ўзбекистондаги таълимнинг энг муҳим тенденцияларидан бири — таълим мазмунини янгилаш билан бирга ҳар бир соҳага кириб келаётган интеграция жараёнларидир. Ҳозирги кунга келиб жамиятнинг иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий, шу жумладан таълим соҳаларида, микрооламдан тортиб макрооламгача кириб келаётган интеграциялар муҳим аҳамият касб этмоқда ва унинг ривожлантирувчи функцияларини амалда қўллай олиш натижасидагина муҳим илмий муаммоларни ҳал қила олиш мумкинлигини англанган ҳолда, унга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Интеграция – (лотинча ***“integration”*** – тиклаш, тўлдириш) - барча қисмлари, элементларининг бирлашиши деган маънони англатади. “Фалсафий қомусий луғат”да интеграциялаш жараёни ривожланиш жараёнининг бир қисмидир, илгари ўхшаш бўлмаган қисмлар ва элементларнинг бирлашиши билан боғлиқ деб қаралади.

“Интеграция” тушунчаси бўйича методик адабиётлар, мақолалар ва илмий тадқиқот ишларида бу муаммо билан шуғулланган олимлар томонидан турлича таърифлар билан шарҳлаб берилган.

Олий таълим муассасалари таълимида бир тизимлилик ва кетма-кетликни турли ўқув фанларига оид тушунча, қонун ва назарияларни ўзаро бир-бирига боғлиқ таъсирчан омили сифатида талқин этиш лозим, чунки бу фанларнинг интеграциялашуви умумлашган билимларни шакллантириш, улар мазмунини чуқурлаштириш ва бойитиш имконини беради.

Хозирда олий таълим муассасаларида асосий касбий фанларни қўшимча танлов фанлари билан интеграция қилиш имкониятлари пайдо бўлмоқда.

Чунки бу фанлар талабаларни билим даражаларини кенгайтирибгина қолмай балки интелектуал ўйлаш қобилиятларини ўстиради, касбий компетенция даражасини оширишга имконини беради. Масалан: “Биоэтика фани”ни мисол қилиб олсак, ушбу фаннинг педагогик мақсади тиббиёт мутахассисларида тиббий таълим мазмунини янада бойитиш, жамиятдаги инсонпарварлик қадриятларини тиклаш, маънавий-ахлоқий жиҳатларини шакллантиришдан иборатдир. Бу инсонийлик фазилатлари, раҳм-шафқат, ҳамдардлик каби инсоний хислатлар тиббий таълим тизимини қуришда асос бўлади.

Бўлажак шифокор беморларни қабул қила бошлаганда турли усуллардан фойдаланиб беморни даволайди. Лекин олдин бемор билан самимий сухбат олиб бориши, анамнез йиғиши ва уни тинглай олиши керак бўлади. Шунга қараб у тахминий ташхис қўяди ва сўнг беморни қўшимча текширувларга юборади. Бу эса хозирги кун биоэтикасининг долзарб муаммоларига айланиб бормоқда. Авваллари қўшимча текшириш усуллари тахминий ташхисни тасдиқлаш учун керак бўлган. Ҳозирги кунда эса тахминий ташхис ёки бирламчи ташхис деган атама йўқолиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда тиббиёт дегуманизациялашиб, яъни инсонпарварликдан чекиниб, тобора технологиязациялашмоқда. Бунда шифокор ва бемор ўртасида бўладиган мулоқот камайиб бормоқда, натижада беморларнинг шифокорга айтмоқчи бўлган дилдаги гаплари қолиб кетиб, уларнинг ўрнига инновацион технологиялар гапирмоқда. Баъзан бу текширувлар керак эмас ҳам бўлиб чиқади.

Демак тиббий олий таълим муассасаларида бўлажак шифокорларни касбий фаолиятга тайёрлаш негизида этика қоидаларини хам ўргатиш зарур.

Этика – жамиятда ўзини тутиш принциплари ва меъёрлари, маънавий қадриятлар хақидаги фандир. Биоэтика эса, классик тиббиёт этикасидан фарқ қилувчи янги йўналиш сифатида, XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди ва жадал ривожлана бошлади. “Биоэтика” атамасини америкалик машҳур онколог шифокор, олим ва инсонпарвар инсон Ван Ранселер Поттер (1911-2001) илмий муомалага киритди.

Унинг “Биоэтика – келажакка кўприк” китобини бугунда мумтоз асарлар қаторига киритиш мумкин. “Биоэтика” атамасини Ван Ранселер Поттер айнан шу китобида биринчи марта қўллаган, биоэтика ҳақидаги замонавий қарашларнинг асосларини яратган, бугунги кунда халқаро амалиётда кенг қулоч ёзган этика бўйича фанлараро қўмиталар ташкил этиш ғоясини муҳокама қилган.

“Биоэтика” тушунчаси инсоннинг бутун тирикликка муносабатини кўриб чиқадиган масалалар соҳасини назарда тутади. Биология ва тиббиёт соҳасидаги билимларнинг тараққиёти, тиббиёт янги имкониятларининг ривожланиши анъанавий этика илгари дуч келмаган муаммоларни келтириб чиқарди. Ривожланиш натижасида биоэтикада икки йўналиш шаклланди. Биринчи йўналиш инсонга маънавий муносабат масалаларини кўриб чиқади ва бу ерда у тиббиёт этикаси билан туташади. Иккинчи йўналиш эса инсоннинг ҳайвонларга муносабати этикасини, яъни: ҳайвонлардан турли мақсадларда (озиқ-овқат манбаи, саноат учун хом ашё, тиббий биологик тадқиқотлар учун модел, кўнгилхушлик объекти сифатида) фойдаланиш масалаларини ўрганади, бу ерда у жаҳон

миқёсидаги атроф муҳит этикаси билан туташади.

Бугунги кунда биоэтикада биринчи йўналиш айниқса жиддий ташвиш уйғотмоқда. Тушунчанинг мазмуни анча торайди. Амалда биоэтика амалий этикага айланди ва асосий эътиборни амалий тиббиётнинг ахлоқий муаммоларига қаратди. Биоэтика бугунги кунда тиббиёт ходими ва бемор муносабатларининг ахлоқий жиҳатларига, эвтаназия ва ўлимни аниқлаш, инсон аъзоларини трансплантация қилиш, ҳомила тушириш (аборт), клонлаш, ирсий инженерия масалаларига алоҳида эътиборни қаратмоқда. Академик доираларда "биоэтика" тушунчаси айнан шу маънода қўлланилади. Бунда тиббиёт этикаси тушунчаси ўрнига кўпинча деонтология тушунчаси қўлланилади.

Деонтология этиканинг бурч ва мажбурият муаммоларини ўрганувчи бўлимидир (атамани инглиз файласуфи Бентам XIX асрда муомалага киритган).

Демак бугунги кунда бўлажак шифокорларни тайёрлашда асосий фанлар билан бирга биоэтикага ўхшаш умумкасбий фанларни интеграциялаштириб ўқитиш зарурлиги кундак равшандир. Тиббиёт олий таълим муассасаларида касбий фанларни умумкасбий фанлар билан интеграциялаштириб ўқитилиши бўлажак шифокорларни касбга тайёрлашда катта ахамиятга эгадир:

- ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган шароитда бўлажак шифокорнинг ижодий шахсини шакллантириш ва ривожлантиришга тизимли, педагогик интеграция асосида касбий фаолияти нуқтаи назаридан ва технологик жиҳатдан ёндашув;
- бўлажак шифокорларни касбга тайёрлашда аниқ далилларга асосланган билимлар билан бир қаторда умумкасбий ва методологик билимлар билан ҳам қуроллантириш;
- бўлажак шифокорларни касбга тайёрлашда методик тизимнинг таркиби ва мазмунини кенгайтириш ва чуқурлаштириш лозим.

Фанлараро интеграцияни таъминлаш ҳозирги вақтда объектив эҳтиёж. Чунки оқибатда бўлажак шифокорларни касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришда умумкасбий ва фанлар бўйича тайёргарликни бирлаштириш керак бўлади. Бунда фанлараро интеграция тушунчасини кўриб чиқадиган бўлсак, биринчидан, фанлараро интеграцияни амалга ошириш, яъни ўрганилаётган ҳодисаларнинг яхлит моделини қуриш, аниқ билиш ва касбий вазиятларда бу ҳодисалар ва қарорлар бўлажак шифокорни онгли равишда тушуниши учун шарт-шароитлар яратади; иккинчидан, талабанинг ўзи фанлараро интеграцияни амалга ошириши учун кўникмасини таъминлаш, яъни, мақсадли билиш муаммоларини ечиш жараёнида фанлар ва яхлит моделини қуради; учинчидан, бўлажак мутахассис шахсини яхлит шакллантириш унинг умуман дунёни ва касбий фаолиятини кўра олиш ҳамда интеграл (ажралмас) фикрлашига ёрдам беради; тўртинчидан, фанлараро интеграцияни олий таълим сифатини ривожлантириш воситаси сифатида талқин этилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки тиббиёт олий таълим муассасаларида бўлажак шифокорларни касбий фаолиятга тайёрлаш негизида биоэтика қоидаларини ҳам ўргатиш замон талабидир. Касбий фанлар билан умумкасбий фанларни интеграциялаб ўқитиш бўлажак шифокорларни касбига фидокорлигини оширади, ўз ҳуқуқларини билиши, турли вазиятларда тўғри, қонуний йўл топа олишини кафолатлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ғиёсов З.А. "Врач фаолиятининг ҳуқуқий асослари"- Тошкент. "Тафаккур Бўстони" 2012й. 168 бет.

2. "Биомедицинская этика", под ред С.Д.Денисова, Я.С.Яскевич. - Минск, БГМУ, 2011.

3. Жуманов А.А. "Касбий фаолиятга тайёргарликда педагогик ва техник билимлар интеграцияси" Замонавий таълим / Современное образование. 2020, 7 (92).

4. Қулиева Ш.Ҳ., Қўйсинов О.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигига таъсир кўрсатувчи омиллар. // Т.: "Касб-ҳунар таълими" журнали. 2007. № 2. – Б.9-10.